

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАДАМИНОВА МАТЛЮБАХАН АХМЕТОВНА

**АМУДАРЁ БАССЕЙНИДА ГИГИЕНИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ
ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАРЁ БЎЙИДА ЯШОВЧИ
АҲОЛИНИНГ СУВДАН ФОЙДАЛАНИШИ МОНИТОРИНГИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадаминова Матлюба Ахметовна

Амударё бассейнида гигиеник хавфсизликнинг истиқболини белгилаш
ва дарё бўйида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиши мониторингини
ишлаб чиқиш..... 5

Мадаминова Матлюба Ахметовна

Прогноз гигиенической безопасности и разработка механизма
мониторинга водопользования населения, проживающего в бассейне
Амударьи..... 21

Madaminova Matlyuba Akhmetovna

Hygienic safety forecast and development of a mechanism for monitoring
water use by the population living in the Amuarya
basin..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАДАМИНОВА МАТЛЮБАХАН АХМЕТОВНА

**АМУДАРЁ БАССЕЙНИДА ГИГИЕНИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ
ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАРЁ БЎЙИДА ЯШОВЧИ
АҲОЛИНИНГ СУВДАН ФОЙДАЛАНИШИ МОНИТОРИНГИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1163 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини санитария гигиена ва касб касалликлар илмий текшириш институтида бажарилаган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Роза Тоғановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Усманов Ислам Аббасович
тиббиёт фанлари доктори

Этакчи ташкилот:


Бухоро Давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc04/30.12.2019.Tib.30.03 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 4 » « 11 » соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув бино мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).


Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 792 ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил « 22 » « Октябрь » куни тарқатилди.
(2021 йил « 22 » « Октябрь » даги 19 ракамли реестр баённомаси).




Г.И.Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.Ш.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори


Ф.И.Саломова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сув ресурслари мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун стратегик ресурслар хусусиятларига эга ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссиясининг маълумотларига кўра Марказий Осиё минтақасидаги «...сув истеъмоли умумий ҳажмининг 91,6% суғориладиган деҳқончиликка, 3,6% коммунал сув хўжалиги ва ичимлик суви таъминотига, 1,9% саноат сув таъминотига ва 1,6% қишлоқ хўжалиги сув таъминотига сарфланади...»¹. Қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасида сувни қайта тақсимлай олмаслик сув танқислигининг аҳолига таъсирини кучайтириб, натижада экологик, биологик ва гигиеник хавфсизлигини издан чиқиши фавқулодда вазиятларни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли Марказий Осиё минтақасида асосий сув манбалари ҳисобланган Амударё ва Сирдарё дарёларининг сувларидан хавфсиз фойдаланиш аҳолини сифатли сув билан таъминлаш тамойилига риоя қилиш, дарё ва денгиз хавзалари атрофида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланишининг гигиеник хавфсизлигини башоратлаш ва мониторинг қилиш механизмини ишлаб чиқишни такомиллаштириш профилактик тиббиёт соҳасининг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда дарё ва денгиз хавзалари атрофида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланишининг гигиеник хавфсизлигини башоратлаш ва мониторинг қилиш механизмини ишлаб чиқишни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада дарё ва денгизларда ичимлик сувларнинг органолептик хусусиятларига таъсир кўрсатадиган кимёвий, токсик ва таркибий қисмларини, микробли ва паразитар ифлосланишини, сабаб-таъсир муносабатларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник хавфсизлиги башоратлаш, халқаро талаблар асосида сувининг санитария-гигиеник ва санитария-паразитологик асослаш ҳамда аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник ва паразитологик мониторинги механизмини ишлаб чиқишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, сув таъминоти ва унинг сифати билан боғлиқ касалликларни камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...аҳолига ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Амударё ҳавзасида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва

¹ ECE/MP.WAT/WG.2/2011/4-ECE/MP.WAT/WG1/2011;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хавфсизлигини оширишда гигиеник, микробиологик ва паразитологик мониторинг механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сон «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида», 2009 йил 6 майдаги 837-сон «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси Сўнгги ўн йилликда табиий муҳит ва аҳоли саломатлигига сезиларли таъсири шу каби чегараларга етдики, сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари ва сув муҳитини сақлаш талаблари аксарият минтақалар учун ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг асосий омилларидан бири – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омилдир (БМТ ЕИК, 2011; Илинский И.И. ва бошқ., 2012; Парфенова В.В., Сулова М.Ю., 2014; Ниелс Ипсен, 2007; Азиз Ф. ва бошқ., 2017). Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳозирги вақтда етарли миқдорда сув таъминотининг кескин танқислиги мавжуд бўлиб, бу аҳоли учун ичимлик сувининг кескин танқислиги ва ёмонлашишига олиб келади (ЖССТ, 2017). Дунёнинг йирик дарёлари шу жумладан, Сибир, Европа ва Осиё дарёлари ҳавзаларида яшовчи аҳоли юқори сифатли ичимлик сувининг гигиеник, экологик мониторингига доимий муҳтож (Винокуров Ю.И., Красноярова Б.А., 2012; Wetz M.S., Yoskowitz D.W., 2013; Zeng Q. et al., 2017). Сув объектларининг экологик ва микробиологик мониторинги, жумладан юза сув ҳавзалари, ҳилма-ҳил омилларини аниқлашга, сув синамаларида патоген ва шартли патоген бактерияларнинг сонининг ортиб бориш хусусиятлари, сувнинг бактериал қатлами ҳолатини башорат қилишни аниқлаш, доимий равишда экологик ва микробиологик тадқиқотлар олиб бориш ва санитар-эпидемиологик хизматлари амалиётига тавсия этиш ва қайта ишлаб чиқишга ёрдам беради (Носова С.Ф., 2011.; Савилов Е.Д., 2010; Анганова Е.В., Эльпинер Л.И., 2012; Mays L.W., 2013).

Ўзбекистонда ер усти сув ҳавзалари аҳолини сув билан таъминлашнинг турли жиҳатларига оид, жумладан, Сурхондарё вилояти аҳолиси сувдан

фойдаланиш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал қилишда замонавий ёндашув ва сув таъминоти объектларини назорат қилиш бўйича тадқиқотлар мавжуд (Донаев А.М., 2004; Ярбабаев М.Х. ва бошқ., 2004). Худди шундай тадқиқотлар Хоразм вилоятидаги Хива шаҳри мисолида ҳам олиб борилган ва бу ерда Оролбўйининг ўзига хос шароитида аҳолининг ичимлик суви таъминотида гигиеник баҳо берилган (М.Ниёзметов., 2002). Айдар-Арнасой кўллари тизимининг гидробиологик режими ўрганилиб, ер усти сувлари ва биологик объектларнинг хусусиятлари очиқ берилган (Тошмухамедов Б.А., 2014). Сув омборларидаги сувнинг кимёвий, минерал таркибидаги ўзгаришлар сувнинг микроб таркибига таъсир кўрсатиши аниқланиб, сув орқали тарқаладиган патоген микроорганизмлар ушбу шароитларга мослашган ҳолда ўзларининг биологик хусусиятларини ўзгартириши таъкидланган (Нуралиев Н.А., Сагдуллаева Б.О., 2014; Коломбо С. ва бошқ., 2017). Кимёвий элементларнинг ер усти сувларида тарқалиши уларнинг ер қобиғида кўплиги ва сувда эрувчанлиги билан белгиланиши исботланган (Шоумаров С.Б. ва бошқ., 2015; Алматов Б.И., 2019), бироқ, Амударё ҳавзасида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланишини гигиеник хавфсизликни баҳорат қилиш ва мониторинг қилиш механизмини ишлаб чиқилмаган.

Шундай қилиб мамлакатимизда дарё сув ҳавзаларида доимий яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланишининг мониторинг қилиш механизми, санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши жиҳатлари муаммолари, гигиеник ва экологик хавфсизликнинг илмий асосланган мезонлари билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлар илмий-текшириш институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №АТСС-24.5 «Иқлим ўзгариши ва кам сув шароитида аҳолининг ичимлик сувининг кимёвий ва бактериологик сифатини таъминлаш ва хавфсиз сувдан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистонда сув омборларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун санитария-гигиена усуллари, технологиялари ва илмий маҳсулотларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2012-2014 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Амударё сувининг кимёвий таркиби, микробли ва паразитар ифлосланиши ҳамда гигиеник хавфсизликнинг истикболини белгилаш, дарё бўйида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиши мониторингини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Амударё сувининг органолептик хусусиятларига таъсир кўрсатадиган кимёвий таркибини, токсик аралашмаларини ва таркибий қисмларини баҳолаш;

Амударё сувининг микробли ва паразитар ифлосланишини санитар-гигиеник баҳолаш;

Ўрганилаётган санитария-гигиеник кўрсаткичлари ўртасидаги сабаб-таъсир муносабатларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник хавфсизлиги башоратларини ишлаб чиқиш;

халқаро талаблар асосида Амударё сувининг санитария-гигиеник ва санитария-паразитологик тадқиқотларини босқичма-босқич ўтказиш усулларини такомиллаштириш;

Амударё ҳавзасида доимий яшовчи аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник ва санитария-паразитологик мониторинги механизмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2019 йиллар мобайнида Амударё дарёсининг турли критик нуқталаридаги сувининг санитария-гигиеник ва санитария-микробиологик кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Амударё дарёсининг сув олиш жойидан олинган сув намуналарининг микробиологик, қатор паразитар хусусиятлари, таркибида оғир метал тузларнинг миқдорини гигиеник баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Амударё бассейнида гигиеник хавфсизликнинг истиқболини белгилаш ва дарё бўйида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиши мониторингини ишлаб чиқишда гигиеник, кимёвий, микробиологик, паразитологик ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дарё сувининг органолептик хусусиятларига таъсир этувчи кимёвий, токсик микроэлемент ва компонентларнинг меъёрга нисбатан динамикада ўзгариши асосланган;

дарё сувининг асосий микробли ва паразитар ифлослантувчи манбалари, илк бор сув намуналарида *Cryptosporidium spp* баҳолаш орқали микробли ва паразитар ифлосланиш даражаси баҳоланган;

санитар-гигиеник ва санитар-микробиологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник хавфсизлигини башоратлаш тартиби ишлаб чиқилган;

дарё ҳавзасида доимий яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланишини гигиеник ва паразитологик мониторинг қилиш механизми ҳамда гигиеник хавфсизлик мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сувдан намуна олиш ва ташиш, таҳлилларни ўтказиш хавфсизлиги, шунингдек, мутахассислар малакасига бўлган халқаро талаблари асосида Амударё сувининг санитария-гигиеник ва санитария-паразитологик таҳлилларини ўтказиш усуллари такомиллаштирилган;

Амударё ҳавзасида доимий яшовчи аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник ва микробли-паразитологик мониторингни олиб бориш тартиби ишлаб чиқилган;

Амударёдан олинган сув намуналарида *Giardia spp*, *Cryptosporidium spp* аниқлаш бўйича паразитологик таҳлилларнинг самарадорлигини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

Амударёдан олинган сув намуналарининг кимёвий таркибини аниқлаш ва паразитологик текшириш усулларни самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва ўзига хос усуллардан фойдаланганлиги, хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотчилар маълумотларидан олинган натижаларга мувофиқлиги, тадқиқотлар услубий жиҳатдан тўғрилиги, сувдан олинган сув намуналари сонининг етарлилиги, материални статистик қайта ишланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Амударё сувининг сифатига таъсир қилувчи кимёвий таркиби, токсик микроэлементлари ва таркибий қисмлари биринчи марта солиштирма жиҳатидан, микробли ва паразитар этиологик ифлослантирувчи манбалар аниқланганлиги, санитария-гигиеник ва санитария-микробиологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланишнинг гигиеник хавфсизлигини башоратлаш механизми ишлаб чиқилганлиги, Амударё ҳавзасида доимий яшовчи аҳоли томонидан сувдан фойдаланишнинг гигиеник мониторингини олиб бориш механизми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сувдан намуна олиш ва ташиш, таҳлилларни ўтказиш хавфсизлиги, шунингдек, мутахассислар малакасига бўлган халқаро талаблари асосида Амударё сувининг санитария-гигиеник ва санитария-паразитологик таҳлилларини ўтказиш усуллари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё бассейнида гигиеник хавфсизликнинг истиқболини белгилаш ва дарё бўйида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиши мониторингини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Амударё сувининг кимёвий таркибини аниқлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Амударёдан олинган сув намуналарининг кимёвий таркибини аниқлаш самарадорлигини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Натижада Амударё сувининг кимёвий таркибини, организм учун хавфли бўлган микроэлементлар миқдорини баҳолаш самарадорлигини яхшилаш имконини берган.

Амударё сувининг паразитологик кўрсаткичларини микробиологик ва санитар-гигиеник баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Амударёдан сув намуналарини олишда паразитологик тадқиқотлар самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Натижада Амударё суви намуналарида *Giardia spp*, *Cryptosporidium spp* ташхислашнинг

паразитологик таҳлилларни самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш имконини берган.

Амударё бассейнида гигиеник хавфсизликнинг истиқболини белгилаш ва дарё бўйида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиши мониторингини ишлаб чиқиш асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Хива, Тахиатош ва Нукус шаҳар бўлимлар амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 08-09/8324-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга қўлланилиши сувдан синама олиш, унинг кимёвий таркибини баҳолаш методологиясини бирлаштириш, паразитологик ҳолатни кузатиш самарадорлигини ошириш ва Амударё дарёси сув намуналарини аҳолининг маиший, ичимлик ва маданий эҳтиёжлари учун ишлатиш самарадорлигини баҳолаш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиқ берилган, маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Йирик дарёларнинг сув сифатини мониторинг қилиш хусусиятлари ва гигиеник хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида аҳолини хўжалик ичимлик суви билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати, хусусиятлари тўғрисида сўнгги илмий манбаларда чоп этилган маълумотлар ақс этган адабиётлар шарҳи берилган. Амударё, ер усти сув ҳавзаларининг кимёвий

таркибини баҳолаш ва ер усти сувларини микробиологик ва паразитологик ўрганиш хусусиятлари. Бундан ташқари, турли хил сув манбаларидан олинган сув намуналарининг кимёвий ва микробиал таркибини ўрганиш учун турли усулларнинг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Амударё бассейнида гигиеник хавфсизликнинг истиқболлини белгилаш ва дарё бўйида яшовчи аҳолининг сувдан фойдаланиши мониторингини ишлаб чиқишни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган.

Тадқиқот дастури 3 босқични бажаришни ўз ичига олган: 1-босқич. Ушбу ишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, объект танланди ва тадқиқот доираси далилларга асосланган тиббиёт тамойилларини ҳисобга олган ҳолда аниқланди: барча тадқиқотлар рандомизация қилинган ва таққосланган параметрлар репрезентацияланган.

2-босқич. Амударёдан олинган сув намуналарининг органолептик параметрларини, минераллашув кўрсаткичларини ва кимёвий таркибини, микрофлорасининг микдорий ва сифат таркибини ва паразитологик параметрларини аниқлаш ва баҳолаш учун кимёвий, санитария-микробиологик, санитария-паразитологик тадқиқотлар ўтказилган.

3 босқич. Олинган материаллар диққат билан таҳлил қилинди, тизимлаштирилди ва вариацион статистика усуллари фойдаланган ҳолда статистик ишлов беришга тайёрланди. Шу билан бирга, олинган натижаларнинг ишончлилигига эътибор берилди, улар асосида амалий тавсиялар ва асосли хулосалар олинди. Олинган натижалар диссертация муаллифи томонидан шахсан тавсифланган.

Сувдан намуна олиш жойи Бухоро вилоятининг Олот туманида, Бухоро шаҳридан 110 км узоқликда Амударё дараёсининг Аму-Бухоро канали бўйида жойлашган. Сув намуналари сув сатҳидан 10-15 см (меъёр 20 см гача) чуқурликдан бир литр ҳажмда олинган.

Сўнгги 5 йил ичида (2015-2019) бир неча бор тадқиқотлар ўтказилди. Белгиланган мақсадга эришиш ва олинган натижаларнинг ишончлилиги учун ҳар икки йилда бирламчи ва такрорий тадқиқотлар (асосий ва қўшимча) иккита кетма-кет тадқиқотлар ўтказилди.

Сувнинг органолептик хусусиятларини, кимёвий таркибини ва минераланганлигини аниқлаш учун намуна олиш анъанавий усуллар ёрдамида O'zDSt 950-2011 «Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифат назорати» ва O'zDSt 951-2011 «Марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти манбалари. Гигиеник, техник талаблар ва танлаш қоидалари» талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

Сувнинг ҳиди, таъмини аниқлашда органолептик усулдан шунингдек рангги ва тиниқлигини аниқлашда фотометрик усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот давомида сувнинг умумий каттиклигини аниқлашда трилон "Б" калций ва магний ионлари билан кучли комплекс бирикмасини ҳосил қилишга асосланган усулдан фойдаланилди. Мос келувчи индикатор ёрдамида аниқланиб титрлаш орқали амалга оширилди.

Сувда эриган учувчан бўлмаган минерал ва қисман органик бирикмаларнинг умумий таркибини тавсифловчи қуруқ қолдиқнинг қиймати тарози усул билан аниқланди. Сульфат миқдори комплексометрик усул билан аниқланди. Аниқлик даражаси $\pm 2,0$ мг /лSO²⁻₄ ташкил этди.

Сувдаги хлоридларнинг (хлор иони) таркибини аниқлаш дифенилкарбазон индикатори ёрдамида симоб нитрат билан титрлаш орқали амалга оширилди.

Нитратларнинг таркиби нитратларнинг натрий салицил кислотаси билан реакциясига асосланган ҳолда, сульфат кислота ёрдамида сариқ рангли нитросалицил кислотаси тузини ҳосил қилиш усули билан аниқланди. Усулнинг сезгирлиги 0,1 мг/л нитрат азотдир.

Сувдаги нитритларнинг азот миқдорини аниқлаш сульфанил кислотаси ва α -нафтиламин ёрдамида колориметрик усул билан амалга оширилди.

Бундан ташқари ушбу ишда умумий темир таркибини роданид билан аниқлаш усулидан фойдаланилди. Усулнинг сезгирлиги 0,05 мг /л темирни ташкил этди. Аммоний тузларини аниқлаш (тўртламчи аммоний) кимёвий усул билан Несслер эритмаси ёрдамида аниқланди.

Полифосфатларни аниқлаш колориметрик усул ёрдамида амалга оширилди.

Заҳарли кимёвий элементлар «Оптима 2100 ДВ» оптик эмиссион спектрометри ёрдамида индуктив боғланган аргон плазмали (ИСП ОЕС) Perkin Elmer (Германия) ёрдамида аниқланди.

Анъанавий усуллар билан ўрганилган кўрсаткичларнинг натижаларини тасдиқлаш учун MACHEREY-NAGEL (Германия) томонидан ишлаб чиқарилаган QUANTOFIX® тест чизиклар билан экспресс усуллар ёрдамида ҳам тадқиқотлар олиб борилди.

Сапрофит микроорганизмларнинг умумий сонини (умумий микроблар сони - УМС), умумий колиформ бактерияларни (УКБ) - 37 ° С да термостатда тегишли озуқа муҳитида ўсувчи энтеробактерияларни, 1 дм³ сувдаги УКБ сонини аниқлаш бўйича), (O'zDSt 950-2011 - коли индекс), термотолерант колиформ бактериялар (ТКБ) - 44 ° С ҳароратда термостатда тегишли озуқа муҳитида ўсиб чиқадиган *Escherichia spp.*, *Salmonella spp.*, *Shigella spp.*, *Enterococcus spp.*, *Staphylococcus spp.*лар идентификация қилиниди.

Паразитологик кўрсаткичларни аниқлаш учун сувдан намуналар олинган бўлиб, O'zDSt 950-2011 «Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифат назорати»; O'zDSt 951-2011 «Марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти манбалари. Гигиеник, техник талаблар ва танлаш қоидалари» амалда қўлланилган умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида олиб борилди.

Тадқиқот материалларини статистик қайта ишлашда вариацион статистика усули асосида Microsoft Excel дастурлар тўплами ёрдамида шахсий компьютерда «Pentium-IV» процессори базасида амалга оширилди.

Ўртача арифметик (М), ўртача арифметик хато ($\pm m$) ҳисоблаб чиқилди, фарқларнинг аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони орқали хато эҳтимолини (Р) ҳисоблаш орқали аниқланди. Тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишда

далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилди (Пономарева Л.А., Маматкулов Б.М., 2004)

Диссертациянинг «Амударёдан олинган сув намуналарининг кимёвий таркибини аниқлаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида Амударё сувининг кимёвий таркиби кўрсаткичларини ўрганиш ва баҳолашга бағишланган.

Бирламчи тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Амударё сувининг баъзи органолептик хусусиятлари ичимлик сувига яқин (O'zDSt 950-2011). Ҳиди ва водород кўрсаткичи (pH) натижалари меъёр чегараларда, ранги ва тиниқлиги эса 2 ва 4,3 баравар меъёр кўрсаткичдан юқори бўлди. Бирламчи тадқиқотларда умумий минерализация ёки қуруқ қолдиқ меъёр даражадаги чегарада бўлиб, танланган стандарт бўйича 1000 мг/дм^3 га нисбатан $433,6 \text{ мг / дм}^3$ (0,43 РЭК) ни ташкил этди. Перманганатнинг оксидланиш хусусияти учун O'zDSt 950-2011й. $5,0 \text{ мгO}_2/\text{дм}^3$ синов сувга нисбатан меъёр кўрсаткичлар доирасида бўлди (0,42 РЭК)- $2,09 \text{ mgO}_2/\text{дм}^3$. Биз ўрганган сувнинг умумий қаттиқлиги нормал кўрсаткичлар чегарасида- $5,0 \text{ мг-экв/дм}^3$ -0,71РЭК (меъёрнинг юқори чегараси $7,0 \text{ мг-экв/дм}^3$).

Шундай қилиб, Амударё сувидан олинган кўрсаткичлар органолептик кўрсаткичлари (ҳиди) ва баъзи бир минерализация кўрсаткичлари (умумий минерализация-қуруқ қолдиқ, умумий ва калцийли қаттиқлик, перманганатнинг оксидланиш қобиляти) меъёр даражадаги кўрсаткичларни берди ранги ва лойқалик бундан мустасно.

2 йилдан кейин ўтказилган такрорий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сувнинг асосий органолептик хусусиятлари ичимлик сувига яқин бўлган (O'zDSt 950-2011). Бирламчи ва такрорий тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, дастлабки тадқиқотлар давомида ранги ва тиниқлик параметрлари мос равишда 2,0 ва 4,3 баравар юқори бўлди, қолган органолептик кўрсаткичлар ва сув минерализация параметрлари меъёр доирасида бўлди. Такрорий тадқиқотлар натижалари деярли барча кўрсаткичлар нормал РЭК қийматлари доирасида бўлганлиги билан фарқ қилди.

Олинган дастлабки тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Амударёдан сув олиш жойидаги сув намуналарида кимёвий моддалар миқдори нормал меъёрда бўлган.

Ўрганилаётган сув намуналарида темир миқдори меъёрнинг юқори чегараси ($0,32 \text{ мг/гм}^3$) даражасида бўлиб, 1,0 РЭК ни ташкил этди. Полифосфатлар фосфор кислотасининг бир, икки ва уч валентли бирикмаларидир, одатда $3,5 \text{ мг/дм}^3$ гача рухсат этилади. Ўрганилаётган дарё суви намуналарида полифосфатлар миқдори нисбатан паст бўлди ($0,082 \text{ мг/дм}^3$ -0,02 РЭК). Сув намуналарида азот аммиакнинг (тўртламчи аммоний) миқдори ҳам танланган меъёрда бўлди, феноллар бўлса ўрганилган намуналарнинг бирортасида ҳам аниқланмади.

Шундай қилиб, Амударё сувидаги кимёвий моддалар (темир, хлоридлар, сульфатлар, нитратлар, нитритлар, полифосфатлар ва аммиак азотлари)

кўрсаткичлари танланган меъёرنинг юқори чегарасидан паст ёки юқори бўлди.

Қайта ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Амударёдан олинган сув намуналарида кимёвий моддалар миқдори меъёрий кўрсаткичлар даражасида бўлди.

Нефт маҳсулотлари ва уларнинг анионлари, синтетик юза фаол моддалар (СЮФМ) таркиби ҳам ўрганилаётган сув сифатининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади, шунинг учун улар O'zDSt 950-2011да меъёрлаштирилган. Такрорий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилаётган сув намуналарида синтетик юза фаол моддалар миқдори 0,11 мг/дм³ (0,22 РЭК) ни ташкил этди, бу эса меъёр кўрсаткичга (0,5 мг/дм³ гача) тўғри келади. Аммо ўрганилаётган сув намуналарида нефт маҳсулотларининг параметрлари кескин равишда 1,77 мг / дм³ га кўтарилди (меъёр - 0,1 мг /дм³ гача - 17,7 РЭК). Шуни таъкидлаш керакки, 1 ҳафтадан сўнг худди шу нуқтадан олинган сув намуналарини қайта таҳлил қилишда нефт маҳсулотларининг миқдори нормал чегарада бўлган.

Текширилган сув намуналарида полифосфатлар миқдори нисбатан паст бўлди (2,7 мгП/дм³ - 0,77 РЭК). Биз ўрганган барча намуналарда феноллар топилмади.

Бундан ташқари, 5 кун давомида (БКЭ₅) сувнинг биокимёвий кислородга бўлган эҳтиёжи (БКЭ₅) бироз ошди ва 4,0 мгО₂/дм³ (1,3 РЭК) ни ташкил этди, меъёр 3,0 мгО₂/дм³ ни ташкил этди. Бизнинг фикримизча, бу юқори намланиш даражаси, кўп миқдордаги қамиш ва ботқоқли қирғоқлари билан ажралиб турадиган сув намунаси олинган жой (сув олиш пункти) билан боғлиқ.

Олинган натижалар меъёр доирасида бўлди. Бинобарин, ўтган вақт давомида ушбу кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатадиган табиий ёки сунъий омиллар пайдо бўлмади.

Шундай қилиб, Амударёнинг сув олиш жойидаги сувнинг органолептик хусусиятларига таъсир қилувчи барча кўрсаткичлар ва таркибий қисмлар (кимёвий таркиби) - темир, марганец, мис, рух, фтор, синтетик юза фаол моддалар, полифосфатлар, стандартнинг юқори чегараларидан ортиб кетган нефт таркиби ва БКЭ₅ бундан мустасно. Аммо бу ўсиш тасодифий характерга эга эди ва Амударёдаги сув сифатининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмади.

Амударёдан олинган сув намуналарида ноорганик таркибий қисмларнинг таркибини ҳам ўрганилди. Амударёдан олинган сув намуналаридаги ноорганик таркибий қисмларнинг кўрсаткичлари, уларнинг аниқланиши O'zDSt 950-2011томонидан белгиланади (1-жадвалга қаранг).

Аниқланишича O'zDSt 950-2011томонидан белгиланган сув манбаидан ўрганилган сув намуналарида ноорганик таркибий қисмларнинг 10 та кўрсаткичидан 3 та параметр аниқланмаган (30,0%), 7 та параметр (70,0%)) РЭК даражасида бўлди. Бинобарин, ноорганик таркибий қисмларнинг кўрсаткичларига кўра, ўрганилган сув хавфсиз ҳисобланади ва аҳоли

томонидан маиший, ичимлик ва маданий-маиший мақсадларда фойдаланишга тавсия этилиши мумкин.

1-жадвал

Амударёдан олинган сув намуналаридаги ноорганик таркибий қисмларнинг кўрсаткичлари, уларни аниқлаш O'zDSt 950-2011 томонидан белгиланади (бирламчи тадқиқотлар)

Ноорганик таркибий кўрсаткичлар, мг/дм ³	O'zDSt 950-2011	Тадқиқот натижалари
Алюминий (Al)	0,2	0,0153 (0,08 РЭК)
Кадмий (Cd)	0,001	0,0015 (0,50 РЭК)
Мышьяк (As)	0,05	0,0074 (0,15 РЭК)
Никель (Ni)	0,1	аниқланмади
Симоб (Hg)	0,0005	0,0322 (0,04 РЭК)
Кўрғошин (Pb)	0,03	аниқланмади
Селен (Se)	0,01	0,0053 (0,53 РЭК)
Стронций (Sr)	7,0	0,014 (0,002 РЭК)
Фтор (F)	0,7	0,31 (0,44 РЭК)
Хром (Cr)	0,05	аниқланмади

Изоҳ: ишлатиладиган усулларнинг хатоси ± 10%.

Қиёсий баҳолаш учун Амударёдан олинган сув намуналарида оғир металллар тузлари ва бошқа элементларнинг тузлари кўрсаткичлари натижалари, O'zDSt 950-2011га биноан, уларни аниқлаш зарур эмас 19та параметрдан 4 таси (21,05%) аниқланмаганлиги, 15 таси (78,95%) ичимлик суви учун одатий кўрсаткичлар доирасида қайд этилганлиги аниқланди. Фақатгина 2 кўрсаткич жуда катта миқдорда топилган: калций – 2,4526мг/дм³ ва натрий-3,2056мг/дм³. Ушбу ўсиш ўрганилаётган сув намуналарида ушбу элементларнинг кўпайганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, ноорганик таркибий қисмларнинг таркибини, шунингдек ушбу сув манбаидан олинган сув намуналаридаги оғир металллар тузлари ва токсик элементларни ўрганиш бўйича такрорий тадқиқотлар ўтказилди. 12 параметрдан 8 таси (66,67%) аниқланмади, қолган 4 таси (33,33%) нормал қийматлар чегарасида эди. Бинобарин, олинган натижалар шуни кўрсатадики, барча рўйхатга олинган ноорганик таркибий қисмларнинг (кимёвий элементларнинг) таркиби стандарт чегараларида бўлган ёки умуман аниқланмаган, яъни текширилаётган сувнинг сифати Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрларга (O'zDSt 950-2011ва O'zDSt 951-2011) мос келади.

Шу билан бирга, сув намуналарида заҳарли кимёвий элементларнинг таркибини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди, уларнинг аниқланиши O'zDSt 950-2011меъёр бўйича мажбурий эмас, аммо текширилаётган сувнинг сифатини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга. Турли манбалардан, шу жумладан ер усти сув ҳавзаларидан олинган намуналар

(Амударё). 13 та кўрсаткичдан 5 таси (38,46%) аниқланмади, 7 та (53,85%) параметрлар нисбатан аҳамиятсиз миқдорларда топилган. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, ўрганилаётган сув намуналарида калций миқдори юқори кўрсаткичдалиги (67.2187 мг/дм^3) аниқланди.

Дастлабки олинган тадқиқот натижаларимиз (2015 йил август-сентябр) сувни қайта текшириш кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмади, унда калций миқдори кўпайган (2.4526 мг/дм^3) ва натрий ($3,2056 \text{ мг дм}^3$). Агар вақт ўтиши билан натрий миқдори меъёр даражасига камайган бўлса (2017 йил июн-июл ойларида «аниқланмаган») бўлса, унда калций миқдори юқори даражада қолди.

Шундай қилиб, Амударёнинг сув олиш қисмида сув намуналарида ноорганик таркибий қисми концентрациясининг меъёр кўрсаткичларга нисбатан ўсиши аниқланмади, аммо захарли кимёвий элементларнинг (калций) баъзи параметрлари барқарор даражада юқори бўлиб қолди. Бирламчи тадқиқотларнинг навбатдаги қисмида аниқланаётган сувда пестицидларнинг таркибини ўрганиш бўлиб, у СанҚваМ ЎзР №0343 “Атроф муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида зараркунандаларга қарши гигиеник меъёрлар” асосида анъанавий усуллар билан амалга оширилди. Гексахлороциклогексан (ГХЦГ), дихлородиметилтетраметан (ДДТ) ва унинг метаболитлари (ДДД, ДДЕ) нинг α -, β - ва γ -изомерларининг қолдиқ таркиби аниқланди. Маълумки, ГХЦГ нинг α -, β - ва γ -изомерлари кимёвий бирикмадаги фаол хлорнинг бошқача жойлашиши билан ажралиб туради ва бир-биридан ҳар хил фаоллик даражаси билан фарқ қилади. Амударёдан олинган сув намуналарида бирламчи тадқиқотлар давомида ГХЦГ, ДДТ ва унинг метаболитларининг α -, β - ва γ -изомерлари аниқланмади; ушбу кўрсаткичларга кўра сув O'zDSt 950-2011 талабларига жавоб беради.

ГХЦГ, ДДТ ва унинг таркибидаги метаболитларининг α -, β - ва γ -изомерлари такрорий тадқиқотлар давомида қолдиқ параметрлари олинди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида Амударё сувининг асосий органолептик кўрсаткичлари, параметрлари ва кимёвий таркиби ўрганилиб, динамикада баҳоланди. Олинган маълумотлар Амударёдан олинган сув намуналарининг кимёвий таркибини аниқлаш методологиясини бирлаштиришга ва ушбу сув омбори сувидан аҳолининг маиший, ичимлик ва маданий эҳтиёжлари учун фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга имкон берди.

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари сув сифатини назорат қилиш, аҳоли томонидан сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш имконини беради.

Диссертациянинг «Амударёдан олинган сув намуналарини микробиологик ва паразитологик тадқиқотлар натижалари» деб номланган тўртинчи бобида Амударё сувининг микробиологик ва паразитологик кўрсаткичларни динамик ўрганиш натижалари, сув намуналаридан микроорганизмларни униб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари ва олинган сув намуналарини паразитологик тадқиқотлар самарадорлигини ўрганиш ва баҳолашни такомиллаштириш.

